

ган фонд бозорида корпоратив эмитентлар ўз нуфузини ошириб бориш ва инвесторлар ишончини қозониши шарт. Бу жиҳат корпоратив эмитентларнинг халқаро бозорда ҳам муваффақият қозонишларига асос сифатида хизмат қилади.

2. Халқаро облигациялар жойлаштириш орқали капитал жалб этишда узоқ муддатли еврооблигацияларга устуворлик бериш лозим. Бунинг учун эса узоқ муддатли лойиҳалар тақдим эта олиш муҳим саналади.

3. Инвесторлар томонидан еврооблигациялар орқали молиялаштирилувчи лойиҳаларнинг истиқболлигига устувор даражада эътибор қаратилади. Мазкур жиҳат капитал баҳосини пасайтиришда ҳам таъсирга эга. Шу сабабли истиқболли лойиҳалар ва улар самарадорлиги

борасида маълумотлар очиқлигига устуворлик бериш лозим.

4. Корпоратив эмитентлар томонидан хорижий капитал жалб этишда валюта рискиннинг олдини олиш мақсадида миллий валютадаги халқаро облигациялар жойлаштиришга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Лекин бунинг учун макроиқтисодий даражада инфляция даражасини кескин пасайтириш лозим.

5. Давлат иштирокидаги корпоратив эмитентларнинг халқаро облигациялар жойлаштириш орқали жалб этган капитали баҳоси ошқор қилиниши лозим. Бу жиҳат бошқа хусусий корпоратив эмитентларга ўзига барометр бўлиб хизмат қилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент. Учебник. – М.: ЭКСМО, 2010. – 768 с.
2. Алимардонов Э.Д., Султонбоева М.Б., Абдувалиев С.А. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида молия бозори барқарорлигини таъминлаш: назарий-концептуал ва амалий жиҳатлар. – Т.: Академнашр, 2012. – 124-б.
3. Elmirzaev S., Raxmedova M., Kholiqov H. Redistribution Of Funds From Sovereign Eurobonds And Their Efficiency, Journal of International Finance and accounting, Issue 3, 2020. Pages-5.
4. Турсунова Н. Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш йўллари. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2017. – 142 б.
5. Рахмедова М.Н. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш инструменти сифатида еврооблигациялар билан операцияларни такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – 63 б.
6. Jonathan Berk, Peter DeMarzo. Corporate Finance. – Pearson, 2020. – P. 921.
7. Республикаси давлат қарзи ҳолати ва динамикаси шарҳи. 2022 йил III чораги. www.mf.uz.
8. Шавкатов Н., Гафуров О. Ўзбекистоннинг давлат еврооблигация-ларининг дунё молия бозорларида жойлаштирилиши ва уларнинг аҳамияти. // Иқтисод ва молия. – Тошкент, 2019. - №11. –45 б.
9. <https://review.uz/oz/post/milliy-bankning-ilk-evroobligაციyalari-xalqaro-kapital-bozorida-joylashtirildi>



ЛОГИСТИКА КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a53

Махмудов Самариддин Бахриддинович -
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари” ИТМининг таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда мавжуд логистика тизимидаги корхоналарнинг молиявий ресурсларини шакллантириш манбаларининг илмий-назарий жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, миллий иқтисодиётда логистика корхоналарининг молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб муаммолар аниқланган, уларни ҳал қилишга қаратилган илмий тақлифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқотда муаллиф ёндашувлари ва тақлифлари келтирилган.

Калит сўзлар: Миллий иқтисодиёт, логистика инфратузилмаси, логистика тизими, молиялаштириш, капитал манбалари, рентабеллик кўрсаткичлари, иқтисодий таҳлил, молиявий таҳлил

АНАЛИЗ ИСТОЧНИКОВ ФОРМИРОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ ЛОГИСТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Махмудов Самариддин Бахриддинович -
Докторант НИЦ «Научные основы и проблемы
развития экономики Узбекистана» при ТГЭУ

Аннотация: В данной статье изучены научно-теоретические аспекты источников формирования финансовых ресурсов предприятий в условиях существующей системы логистики в нашей стране. Также выявлены актуальные проблемы, связанные с совершенствованием практики финансирования логистических предприятий в народном хозяйстве, и разработаны научные предложения, направленные на их решение. В исследовании представлены авторские подходы и предложения.

Ключевые слова: Национальная экономика, логистическая инфраструктура логистическая система, финансирование, источники капитала, показатели рентабельности, экономический анализ, финансовый анализ.

Makhmudov Samariddin Bakhriddinovich -

Research center «Scientific bases and issues of development of Uzbekistan economy» under the TSUE

Abstract: This article studies the scientific and theoretical aspects of the sources of formation of financial resources of enterprises in the conditions of the existing logistics system in our country. Also, urgent problems associated with improving the practice of financing logistics enterprises in the national economy were identified, and scientific proposals were developed aimed at solving them. The study presents the author's approaches and proposals.

Keywords: National economy, logistics infrastructure, logistics system, financing, sources of capital, profitability indicators, economic analysis, financial analysis.

Кириш. Корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолашдан энг асосий мақсадлардан бири рақобат муҳитида унинг самарали фаолияти учун келажакда ўз имкониятларни максимал даражада аниқлашдан иборат [1].

Логистика корхоналарнинг капитал таркибини таҳлил қилишда молиявий ресурсларни шакллантириш манбалари, унинг таркибидаги ўз капиталининг улуши, шунингдек, таҳлил қилинган давр учун капитал таркиби динамикасини аниқ кўрсатиш учун муҳим омил ҳисобланади. Бугунги кунда логистика соҳаси иқтисодий тармоқлари учун асос ҳисобланганда янада муҳимроқ, чунки у хизматлар ва товарлар оқими биринчи ҳамкорлардан якуний мижозларгача боғлашга ёрдам беради.

Логистика соҳаси миллий иқтисодийнинг таянчи бўлиб, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳалари барча тармоқларининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланмоқда.

Сўнгги йилларда халқаро ишлаб чиқариш тармоқларининг юзага келиши савдо тўсиқларининг босқичма-босқич олиб ташланиши билан глобал иқтисодийнинг асосий хусусияти эга бўлди [2].

Логистика корхоналари фаолиятини амалга ошириш учун қандай манбалардан фойдаланиши ва ўз капиталини фаолиятнинг юртиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим. Тадбиркорлик фаолиятида зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш ҳар бир корхона фаолиятининг асосий омили ҳисобланади.

Бугунги кунда, бозордаги вазиятни ва корхонанинг ундаги ўрнини аниқроқ прогноз қилиш зарурати ортиб бормоқда. Бундай прогноз, агар у корхонанинг ўтган даврлардаги молиявий ҳолатини баҳолаш натижаларига асосланган бўлса, аниқроқ таҳлилий натижаларга эга бўлади. Шунингдек, логистика тизимида ортиқча бўғинлар мавжудлиги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархига салбий таъсир кўрсатмоқда, бунга асосан логистика занжирининг тарқоқлиги сабаб бўлмоқда [3].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60 сонли “2022-2026 йил-

ларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида кўра хусусий секторнинг экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш, транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда юк ташиш харажатларини 30 фоизгача камайтириш каби вазифалар қўйилган [10]. Бу ҳолат саноат, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва тижорат фаолиятини баҳолашда молиявий ҳолат таҳлилининг ролини ва энг муҳими, ҳар бир тижорат ёки саноат ташкилотининг капитали ва даромадлари мавжудлиги, жойлашиши ва ишлатилишида аҳамиятини оширади.

Шунингдек, логистика тизими, иқтисодий тармоқлар учун ҳам ажралмас соҳа эканлиги сабабини тушунтиради.

Сўнгги йилларда халқаро ишлаб чиқариш тармоқларининг юзага келиши савдо тўсиқларининг босқичма-босқич олиб ташланиши билан глобал иқтисодийнинг асосий хусусияти эга бўлди [11].

Фикримизча, логистика корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш ушбу хизматининг ҳолати ва ривожланиши миллий иқтисодийда бошқа тармоқлар учун муҳим шароитларни амалга оширишни таъминлайди.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили. Логистика тизимидаги корхоналарни молиялаштириш манбаларининг ўрни, аҳамияти, назарий ва амалий жиҳатлари, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда уларни жорий этиш масалалари бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, иқтисодийда логистика соҳасининг таъсири бўйича кўплаб илмий-назарий ишлар қилинган ва таърифлар берилган. Хусусан, иқтисодчи олим “Логистикани молиялаштириш орқали моддий оқимларни технологик жиҳатдан оптималлаштириш сифатида логистика тизимларида моддий оқимларнинг ҳаракатланиши асосан молиявий оқимларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш орқали амалга оширилади” деб таъкидлаган [4].

Россиялик иқтисодчи олим И.Е.Покаместов логистика корхоналарини молиялаштиришда айланма маблағларни бошқаришнинг комп-

лекс тизими бўлган харидорга пул маблағларини талаб этиш ҳуқуқини ўтказиш бўйича ҳисобкитоб кредит муносабатларининг шаклларида бири сифатида деб талқин қилган [5].

Хорижлик олимлар С.Жин, З.Ниу ўз илмий ишларида “корхоналарни молиялаштириш манбаларида ҳар бир жорий давр учун барқарор ўсиш суръатлари ўз капиталининг ўсишига боғлиқ бўлиб, унинг манбаи тақсимланмаган фойда ҳисобланади” деб таъкидлаб ўтганлар [6].

Бугунги кунда логистика тизимидаги корхоналарнинг молиялаштириш манбалари ҳолати ва ривожланиши мазкур соҳа учун жуда муҳим аҳамият касб этмоқда, чунки у бошқа инфратузилма тармоқлари билан бирга жамият фаолияти учун асосий шароитларни таъминлайди, ижтимоий-иқтисодий ва ташқи сиёсат мақсадларига эришишда муҳим элемент сифатида хизмат қилади.

Хорижлик иқтисодчи олим Д.М.Ламберт “Логистика корхоналарини молиялаштириш капиталдан самарали фойдаланиш воситаси сифатида хизмат қилади ҳамда унда ўзгарувчилар балансининг алоҳида таркибий қисмлари шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади” деб таъкидлаган [17]. У ўз тадқиқотларида дастлаб корхонанинг асосий мақсади унинг қийматини максимал даражада ошириш бўлиши кераклигига эътибор қаратган. Шу билан бирга, хорижлик олимлар Ниражини ва Прия корхоналарни молиялаштириш манбаларида капитал тузилмаси узоқ муддатли капитал оддий акциялар, имтиёзли акциялар, банк кредитлари ва қисқа муддатли қарзлар овердрафт ва овердрафт кредитлари, сотувчига кредиторлик қарзлари) бирикмаси эканлигини таъкидладилар. [8].

Европалик олимлар Модиглиани ва Миллер корхоналарни молиялаштириш манбаларида капитал тузилмаси мукамал молиявий бозорларида корхоналарнинг бозор қийматига таъсир қилмаслигини таъкидлаб, капитал тузилишини ўрганишга асос солган. [19].

Тадқиқот метадологияси. Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гуруҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида логистика тизимидаги корхоналарни молиялаштириш манбалари иқтисодий тизимдаги аҳамияти ва зарурати асосланди. Шунингдек, логистика тизимидаги корхоналарнинг молиявий таҳлили ишлаб чиқилди ва баҳоланди.

Таҳлил ва натижалар. Логистика тизимидаги корхоналарнинг молиявий ҳолати, пул маблағларни жойлаштириш, улардан фойдаланиш ва шакллантириш манбалари билан тавсифланади [15]. Логистика корхоналарнинг капитал таркибини таҳлил қилиш методологияси

бошқа ҳўжалик субъектлари каби бир хилда амалга оширилади.

Логистика корхоналарнинг капитал таркиби ўз капитали ва қарз маблағлари орқали шакллантириб борилади.

Корхонанинг ўз капитали динамикасини бухгалтерия балансининг пассив қисмида кузатиш мумкин. Корхона балансидаги ссуда капитали узоқ муддатли ссудалар кўринишидаги “Узоқ муддатли мажбуриятлар” бўлимида ва балансининг “қисқа муддатли мажбуриятлар” бўлимида жойлаштирилган.

Жалб этилган капитал, биринчи навбатда, қисқа муддатли кредиторлик қарзларини ўз ичига олган жорий активларни молиялаштириш манбалари ҳисобланади. Логистика корхоналар капиталини таҳлил қилишда бир вақтнинг ўзида бир нечта йўналишда амалга оширилиши мумкин, чунки капитал таркиби, унинг динамикаси ҳаракати таҳлили амалга оширилади.

Корхона молиявий ресурслар манбаларини таҳлил қилишда капиталдан фойдаланиш самарадорлиги тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Капиталдан фойдаланиш самарадорлиги деганда инвестиция қилинган капиталнинг бир сўмга тўғри келувчи фойда тушунилади.

Бунда нафақат ўз капитали балки қарзга олинган ва жалб этилган молиявий маблағлар ҳам ҳисобга олинади. Шунингдек, айланма маблағларнинг бутун миқдори корхонанинг ўз капитали ҳисобидан шакллантирилади ва бу амалиётда молиявий таҳлилчилар томонидан энг яхши вариант ҳисобланиши таъкидлаб келинмоқда. Бироқ стандартларга кўра, айланма маблағларнинг бир қисми ҳам ўз маблағлари ҳисобидан шаклланиши керак. Амалиётга кўра, айланма маблағлар ўз капиталининг камида 10 %дан иборат бўлиши керак [18].

Миллий иқтисодиётда мавжуд логистика соҳасидаги корхоналар молиявий ресурсларини шакллантириш манбалари таҳлил қилинганда молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия баланси ва ўз капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот маълумотлар асосида корхоналар капиталининг таркиби ҳамда тузилишини динамикада кўриб чиқилди.

Биз ўз тадқиқотимизда миллий иқтисодиётда фаолият юритаётган 10 та логистика корхонасининг ўн йиллик маълумотлари асосида таҳлилнинг асосий вазифалари ўрганилди ва улар қуйидагилардан иборат:

- таҳлил қилинаётган давр боши, ўртаси ва охирида капитал таркибининг тузилишини баҳолаш;


- таҳлил қилинаётган давр учун капитал таркиби динамикаси ва таркибини ўрганиш;

- рентабеллик кўрсаткичлари, горизонталь ва вертикал таҳлил асосида капиталдан фойдаланиш йўналишларини таҳлил қилиш.

Балансинг пассив қисмида кўрсатилган маълумотлар ўз капитали таркибида қандай ўзгаришлар юз берганлигини, корхоналарнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли қарз маблағларини қанча жалб этилганлигини аниқлаш имконини беради, яъни балансинг мажбурияти маблағлар қаердан келганлигини ва корхоналар кимга қарздорлигини кўрсатади. [17].

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йилга мурожаатномасида айнан экспорт салоҳиятини оширишда логистика хизматларини ривожлантириш бўйича вазифалар белгиланган. Айнан, шу даврда логистика корхоналарини молиялаштиришда кредит амалиётларидан кенг фойдалана бошланди.

Тадқиқот давомида логистика корхоналарининг капитал манбалари динамикаси таҳлили натижалари келтирилган (1-расм).



1-расм. Логистика корхоналарининг капитал манбалари ўсиш динамикаси (млн.сўмда)

Манба: логистика корхоналари молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди.

13-расм маълумотлари асосида қилинган таҳлиллар кўрсатадики, логистика корхоналарини молиялаштиришда 2012-2021 йиллардаги капитал манбалари таркибининг асосини ўз ва қарз маблағлари капитали ташкил этган. Шунингдек, 2012 йилдан 2021 йил давр мобойнида ўз маблағлари улуши 16 166,5 млн сўмдан 139 202,2 млн сўмгача ўсиб қарийб 301,52 фоизгача ошган бўлса, шунга мос равишда қарз маблағлари улуши 5 972,04 млн сўмдан 170 294,5 млн сўмгача ўсиб қарийб 2 851,52 фоизгача ошган.

13-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017-2021 йиллар давомида логистика корхоналарида молиялаштириш манбалари шаклланишида ўз маблағлари ва қарздорлик капитали мунтазам ошиб борган. Логистика корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида уларнинг ўз капитали таркиби ва тузилишидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, логистика корхоналарининг ўз маблағлари капиталини шакллантириш ва ўзгартириш жараёнини батафсил ўрганиш учун ўз капиталидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш лозим. (2-расмга қаранг).

Ўз маблағлари капиталига эҳтиёж корхонанинг ўзини ўзи молиялаштириш талаби билан боғлиқ, чунки бу мазкур корхона мустақиллигининг асосий калитидир.

Ўз маблағлари капиталининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у корхона фаолиятида узоқ муддат асосида инвестиция қилинади, шунинг учун у ўз эгалари учун энг катта хавф олиб келади.

Фикримизча, бу ҳолатда корхона капиталнинг умумий миқдоридида ўз капиталининг улуши қанчалик юқори бўлса, кредиторларни мумкин бўлган йўқотишлардан ҳимоя қилувчи тўсиқ шунчалик юқори бўлади ва жалб қилинган маблағлар улуши қанчалик кам бўлса, йўқотиш хавфи шунчалик паст бўлади. [19].




2-расм. Логистика корхоналари таҳлил қилишда қўйилган вазифалар

Манба: муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди.

Логистика корхоналарида ўз маблағлари капиталнинг тузилишини таҳлил қилишда унинг ҳар бир таркибий қисмининг хусусиятларини алоҳида ҳисобга олиш зарур.

Корхоналарда ўз маблағлари капитални жалб қилиш қулайлиги, унда янада ижобий молиявий балансини таъминлаш ва банкротлик

хавфини камайтириш билан тавсифланиб борилади. Биз тадқиқотимизда логистика корхоналарининг ўз маблағлари манбалари тақибга кирувчи устав капитали, захира капитали ва тақсимланмаган фойда кўрсаткичлари таҳлил қилинди (3-расм).



3-расм. Логистика корхоналарининг ўз маблағларининг ўсиш динамикаси (млн сўмда)

Манба: муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди

3-расм маълумотлари асосида қилинган таҳлиллар шуни кўрсатадики, логистика корхоналарини молиялаштиришда ўсиш динамикаси ижобий кўрсаткични намоен қилган ҳолда 2012-2021 йиллардаги ўз маблағларини манбаларини таркибини асосини устав капитали, захира капитали ва тақсимланмаган фойдаси ташкил этган. Унга кўра, логистика корхоналар 2012 йилдан 2021 йил давр мабойнида устав капиталида ўсиш динамикаси 5 597,5 млн сўмдан 24 995,2 млн сўмгача ўсиб қарийб 446,54 фоизгача ошган ҳамда корхоналар ўн йил давомида устав капиталини шакллантириб борган.

Шунингдек, логистика корхоналари захира капитали ўсиш динамикаси 2012-2021 йил-

лар мабойнида 2 139,2 млн сўмдан 37 006,1 млн сўмгача ўсиб қарийб 1 729,90 фоизгача ошиб корхоналар захира капиталини келгусидаги молиявий манбасини шакллантириб борган.

3-расм маълумотлари асосида логистика корхоналарининг тақсимланмаган фойдасини ўсиш динамикасини таҳлил қилар эканмиз корхоналар тақсимланмаган фойдаси ўн йил мобайнида мунтазам ўсиб борган.

Унга кўра, 2012-2021 йиллар давомида 5 768,7 млн сўмдан 82 559,6 млн сўмгача ўсиб қарийб 1 431,16 фоизгача ошиб корхоналарда тақсимланмаган фойдаси ижобий ўсиш динамикасини ҳосил қилган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2017-2021 йиллар давомида логистика корхоналарида молиялаштириш манбалари шаклланишида, ўз маблағлари манбаларини ташкил қилувчи устав капитали, захира капитали ва тақсимланмаган фойдаси доимий ўсиб бориш тенденциясини намоён қилган. Шунингдек, ушбу даврда логистика корхоналарининг тақсимланмаган фойдаси 23 562,3 миллион сўмдан 82 559,6 миллион сўмгача ошиб қарийб 350,38 фоизгача ўсган.

Фикримизча, логистика корхоналарининг ўз капиталининг ижобий динамикаси тақсимланмаган фойданинг ўсиши ҳисобига таъминланади. Логистика корхоналар тақсимланмаган фойдаси унинг умумий ўз капиталидаги улушининг ўзгариши билан баҳоланади.

Тадқиқотда логистика корхоналарининг қарз маблағлари капитали таркибига кирувчи узоқ муддатли қарздорлик ва жорий қарздорлик кўрсаткичларини таҳлил қилдик (4-расмга қаранг).



4-расм. Логистика корхоналарининг қарз маблағлари манбаларининг ўсиш динамикасини таҳлили (млн. сўмда)

Манба: логистика корхоналари молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди.

Тадқиқотимизда 4-расм маълумотлари асосида қилинган таҳлиллар кўрсатадики, 2012-2021 йиллардаги логистика корхоналарини узоқ муддатли ва жорий қарздорлик ташкил этган.

Унга кўра, логистика корхоналарнинг узоқ муддатли қарздорлик ўсиш динамикаси 2016 йилдан 2021 йил давр мабойнида сезиларли даражада ошган ва мос равишда 7 793,9 млн сўмдан 43 052,5 млн сўмгача ўсиб қарийб 552,38 фоизгача кўпайган. Логистика корхоналар ушбу давр мабойнида узоқ муддатли қарздорликни банк кредитлари асосида шакллантириб борган. Унга кўра, 2012 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда логистика корхоналарида узоқ муддатли қарздорлик жорий қарздорликка нисбатан кам улушни ташкил этган.

Шунингдек, логистика корхоналари жорий қарздорликнинг ўсиш динамикаси 2012 ва 2021 йиллар мабойнида 222 321,1 млн сўмдан 127 241,1 млн сўмгача камайиб қарийб 57,23 фоизни ташкил этган. Логистика корхоналари жорий қарздорлик 2014 йилдан 2018 йилгача камайиб бориш тенденциясини ҳосил қилган бўлса 2019 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда молиялаштиришда жорий қарздорликнинг улу-

ши узоқ муддатли қарздорлик улушига нисбатан ошиб борган.

Тадқиқотимиз бўйича логистика тизимидаги корхоналарининг амалдаги ҳолати бўйича молиявий рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилдик. Унга кўра, капитал манбаи бўйича рентабеллик кўрсаткичларини таркибига кирувчи қарздорлик нисбати, молиявий левереж, капитал рентабеллиги (ROE) кўрсаткичи ва молиявий мустақиллик коэффициенти кўрсаткичлари ишлаб чиқилди (1-жадвалга қаранг).

Корхонанинг капитал манбаларининг шаклланишини бирламчи таҳлил қилишда қарздорлик нисбати алоҳида ўрин тутади.

Қарздорлик нисбати корхонанинг қарзни молиялаштиришни жалб қилиш натижасида шаклланган активлар улушини кўрсатади.

$$\text{Қарздорлик нисбати} = \frac{\text{Ж.Қ}}{\text{Ж.А}} \quad (1).$$

Бу ерда, Ж.Қ = Жами қарздорлик, Ж.А=Жами активлар

Ушбу нисбат компаниянинг молиявий барқарорлиги даражасини акс эттиради ва унинг меъёрий қиймати 0 - 0,5 оралиғини ташкил этади [12].

Молиявий левераж коэффициенти - корхонанинг молиявий таваккалчилигига тўғридан-тўғри пропорционал бўлиб, корхона активлари-

ни молиялаштириш манбаларида қарз маблағларининг улушини акс эттиради ҳамда корхонанинг ўз капиталидан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди. Шунингдек, у молиявий дастак самараси орқали ўз маблағлари рентабеллигига таъсир кўрсатади ва молиявий хатар даражасини баҳолайди [13].

Ўз маблағлар манбалари таркибини назорат қилиш ва тартибга солиш учун фойдаланиладиган капиталлашув коэффициентларига ишора қилади ва қарз маблағлари улушини тавсифлайди ва унинг минимим қиймати 0,25 ташкил этади.

$$\text{Молиявий левереж} = \frac{Ж.Қ}{Х.К} \quad (2)$$

Бу ерда, Ж.Қ= Жами қарздорлик, Х.К= хусусий капитал.

Капитал рентабеллиги коэффициенти (ROE) - корхонанинг таъсисчилари томонидан қўйилган капитални бошқариш самарадорлигини акс этувчи молиявий коэффициент ҳисобланади ҳамда корхонанинг капиталига нисбатан соф фойдасининг улушини кўрсатади [14].

$$ROE = \frac{С.Ф}{Х.К} \quad (4)$$

Бу ерда, С.Ф= Соф фойда, Х.К= Хусусий капитал.

ROE кўрсаткичи бу корхона учун асосий молиявий кўрсаткич ҳисобланади ҳамда ҳар қандай сармоядорга ёки тадбиркорга, тадбиркорлик фаолиятига киритган сармоясидан қанчалик самарали фойдаланганлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткичнинг меъерий даражаси 0,15 дан катта бўлиши тавсия этилган [16].

Молиявий мустақиллик коэффициенти - Корхонанинг ўз капитали билан қопланган активларнинг улушини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичнинг қиймати корхонанинг бошқа ташкилотларга тегишли капитални жалб қилишдан қанчалик мустақиллигини баҳолаш учун ишлатилади.

$$ММК = \frac{Х.К}{Б.А} \quad (5)$$

Бу ерда, Х.К= Хусусий капитал, Б.А= Баланс активи

Сармоядорлар ушбу коэффициентнинг қийматига эътибор қаратишади. Ушбу кўрсаткичнинг меъерий қийматининг энг пастки чегараси 0,5 қабул қилинган. Ўз капиталининг улуши қанчалик кўп бўлса, корхона фаолияти шунчалик барқарор бўлади.

1-жадвал

"Azia logistik terminal" МЧЖнинг капитал таркиби манбаи рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019й.	2020 й.	2021 й.	Меъерий даражаси	
1.	Қарздорлик нисбати	$\frac{Ж.Қ}{Ж.А}$	0,62	0,67	0,46	0,45	0,40	0-0,5
2	Молиявий левереж коэффициенти	$\frac{Ж.Қ}{Х.К}$	1,63	2,04	0,88	0,82	0,68	min 0,25
3.	Капитал рентабеллиги коэффициенти (ROE)	$\frac{С.Ф}{Х.К}$	0,15	0,16	0,12	(0,006)	0,01	min 0,15
4.	Молиявий мустақиллик коэффициенти	$\frac{Х.К}{Б.А}$	0,37	0,23	0,53	0,55	0,56	min 0,5 (оптимал даража 0,65-0,75)

Манба: "Azia trans terminal" МЧЖ молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди.

1-жадвал маълумотларига кўра "Azia logistik terminal" МЧЖнинг қарздорлик нисбати 2017 йил 0,62 қийматини ташкил этган бўлса 2021 йилда 0,40 қийматини ҳосил қилган. Бундан кўринадики, "Azia logistik terminal" МЧЖнинг молиявий барқарорлик ҳолатида эканини кўрсатади.

Корхонанинг молиявий левереж коэффициенти таҳлили кўрсатмоқдаки, 2017 йил ушбу кўрсаткич 1,63 ташкил қилган бўлса, 2021 йилда 0,68 қийматини ташкил этган. Иқтисодчи олимларнинг фикрича молиявий левераж коэффициенти меъерий қиймати 0,25 эканлиги таъкидлаган. "Azia logistik terminal" МЧЖ таҳлилига кўра, корхона капитал таркибида қарз капитал

миқдори паст эканлиги ва корхона фаолиятининг барқарор эканини кўрсатади.

Корхонанинг капитал рентабеллиги коэффициенти (ROE) таҳлилига кўра, 2017 йилда ушбу кўрсаткич 0,15 ни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб эса мазкур қиймат 0,01 ни ташкил этиб пасайган ва соф фойдада капитал салмоғи камайганини кўрсатади. Мазкур кўрсаткичнинг меъерий даражаси 15 фоиздан юқори бўлиш лозим.

Корхонанинг молиявий мустақиллик коэффициенти 2017 йилда 0,37 ни ташкил этган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 0,56 ни ҳосил қилган. Ушбу коэффициентнинг меъерий қиймати 0,5 эканини эътиборга олиб, корхона мо-

лиявий мустақиллик коэффициентининг минимум қиймати меъерий даражадан юқоридир. Мазкур коэффициентнинг юқори бўлиши корхона активларида ўз маблағлари манбалари улуши юқорилигини кўрсатади.

Яъни 2021 йилда “Azia logistik terminal” МЧЖда активларининг 56 фоизи ўз маблағлари манбалари ҳисобидан шакллантирилган, қолган 44 фоиз қарз маблағларини ташкил этади.

Хулоса ва таклифлар. Миллий иқтисодиётда логистика тизимидаги корхоналарнинг молиялаштириш манбалари амалиётларини тақомиллаштириш ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини ўрганиш бўйича олиб борган таҳлиллар ва келинган хулосалар натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Бизнинг фикримизча, катта миқдордаги қарз капиталнинг мавжудлиги логистика корхоналарнинг фаолияти барқарорлигининг бузилишига ва ушбу корхоналарининг молиявий ҳолати пасайишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

2. Логистика корхоналарининг молиявий таъминоти айланма капитал, ўз капитал, қарз

мажбурияти ва жорий мажбуриятларининг меъерий даражасини аниқлашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, логистика корхоналарининг молиявий, таъминотини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

3. Логистика корхонасини молиялаштириш манбаларини таъминлаш учун ушбу корхоналарда хусусий капитал қийматини ошириш лозим.

Бунинг учун логистика корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ҳамда харажатларни минималлаштириш натижасида соф фойдани оширишга эришишга олиб келади. Натижада хусусий капитал қиймати ошишига олиб келади ва корхона жами активлари бозор қиймати ошишига олиб келади.

4. Логистика тизимидаги корхоналарнинг айланма маблағларини молиялаштиришда тижорат банклари ва кредит ташкилотлари орқали факторинг ҳамда реверсив факторинг хизматларини жорий қилиниши натижасида корхона молиявий самарадорлиги ошишига замин яратади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Баскакова О.В. Экономика предприятия (организации) / О.В. Баскакова, Л.Ф. Сейко. – М.: Издательство Ко-Торговая Корпорация «Дашков и Ко», 2013. – 372 с.
2. Крамаренко Т.В. Корпоративные финансы: учеб. пособие/Т.В. Крамаренко, М.В. Нестеренко, А.В. Щенников. – 2-е изд., стер. – М.: Флинта, 2014. – 187 с.
3. WTO&OECD, 2013, ‘Aid for Trade and Value Chains in Transport and Logistics’, Report, Switzerland.
4. Есенкин Б.С.КрыловаМ.Д.“Логистика вкнижном деле”. URL:<http://www.hi-edu.ru/e-books/xbook118/01part-014.htm>(датаобращения10.09.2016
5. Покаместов И.Е. Эффективная организация факторингового бизнеса: дис. канд. экон. наук: 08.00.10 / Покаместов Илья Евгеньевич. – М., 2006. –172 с.
6. Jin S. Y., Niu Z. X., Qi S. The Analysis of a Shares Logistics Enterprises' Financing Structure //Advanced Materials Research. – Trans Tech Publications Ltd, 2013. – Т. 709. – С. 716-720.
7. Махмудов С. (2022) Оценка экономического анализа операций коммерческих банков. Экономика и образование, 23(2), 354–361. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/480>
8. Nirajini, A., Priya, K. B.(2013). Impact of Capital Structure on Financial Performance of the Listed Trading Companies in Sri Lanka, International Journal of Scientific and Research Publications, 3(5), 1-9.
9. Махмудов С. (2022) Оценка эконометрического анализа экспортно-импортных процессов в национальной экономике на основе моделей var, ardl u arima: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a29. Экономика и образование, 23(3), 184–197. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/526>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони
11. Джалилов Ф., & Махмудов С. (2022). макроиқтисодий жараёнларда экспортни баҳолашда импорт амалиётлари ва логистика хизматларининг таъсири. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 10(6), 191–202. https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a20
12. Бондин И.А. Методические подходы к оценке кредитоспособности сельскохозяйственных организаций // Нива Поволжья. 2015. №1 (34). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/metodicheskie-podhody-k-otsenke-kreditosposobnosti-selskohozyaystvennyh-organizatsiy> (дата обращения: 22.12.2022).
13. Махмудов, С. (2022). Оценка роли сферы логистика в экономической системе. Экономика и образование, 23(4), 296-307. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/600>
14. Kabajeh, M. A. M. Al Nu'aimat S. M. A. & Dahmash F. N. 2012. The Relationship between the ROA, ROE and ROI Ratios with Jordanian Insurance Public Companies Market Share Prices. International Journal of Humanities and Social Science. http://www.ijhssnet.com/journals/Vol_2_No_11_June_2012/12.pdf. Accessed on April 23rd 2015. Pp. 115-120.
15. Махмудов С. (2022) Роль системы логистики в развитии экспорта страны. Экономика и образование, 23(Maxsus_son), 504–519. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/699>
16. Махмудов, С. (2022). Оценка эконометрического анализа экспортно-импортных процессов в национальной экономике на основе моделей var, ardl u arima: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a29. Экономика и образование, 23(3), 184-197. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/526>
17. D.M. Lambert. Measuring and Selling the Value of Logistics. "Internat. Journal of Logistics Management", 2002.
18. Махмудов С. (2022). Логистик компанияларни молиялаштириш манбалари ва усуллари. Экономика и образование, 23(1), 205-211. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/374>
19. Modigliani, F., & Miller, M. H.(1963). Corporate Income Taxes and the Cost of Capital: A Correction. The American Economic Review, 53(3), 433-443